



А Ж Р И М

(Иш юритишни тугатиш тўғрисида)

2022 йил 13 октябрь Жомбой тумани 4-1404-2201/1533-сонли иш

Жомбой туманлараро иқтисодий судининг судьяси Турсунова.Н.Э.нинг раислигида, И.Яхёевнинг котиблигида, даъвогар ХХХХнинг, жавобгар ХХХХга нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни, ХХХХ биносида очиқ сайёр суд мажлисида, даъвогар вакили ХХХХ (ишончнома асосида) иштирокида, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

Аниқлади:

Жомбой туманлараро иқтисодий судига даъвогар Жомбой дон маҳсулотлари АЖнинг жавобгар – ХХХХга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унга кўра, жавобгар ХХХХдан жами 1063544 сўмни ундиришни сўраган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида ўзининг ишончли вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасини иккинчи қисмида, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин деб белгиланган.

Шу сабабли, суд мажлисини жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили ХХХХ даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд, даъвогар вакилининг кўрсатмасини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра, иш юритишни тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статиктик қўмитасининг Stat.uz сайтидан олинган маълумотда, ХХХХ тугатилганлиги кўрсатилган.

Бундан кўринадики, бугунги кунда жавобгар ХХХХ давлат реестридан чиқарилиб (тугатилган) фаолият кўрсатмаётган корхона ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси биринчи қисми 4-бандида, ишда тараф ҳисобланган юридик шахс тугатилган бўлса, суд иш юритишни тугатади деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси 1-қисми 13-бандига кўра, агар ишда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган бўлса давлат божи қайтариш лозимлиги белгиланган.

Бундай ҳолатда суд, ушбу даъво аризаси асосида қўзғатилган 4-1404-2201/1533-сонли иш бўйича иш юритишни тугатишни, олдиндан тўланган 300000 сўм давлат божини қайтаришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларгақўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси биринчи қисми 4-бандига, 118, 195-моддаларига асосланиб, суд-

А ж р и м қ и л д и :

Даъвогар ХХХХнинг, жавобгар ХХХХга нисбатан берган даъво аризаси 4-1404-2201/1533-сонли иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

Даъвогар ХХХХ томонидан олдиндан тўланган 300000 сўм давлат божи қайтарилсин ва бу ҳақдам маълумотнома берилсин.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Турсунова.Н.Э.